



Оссурия кабутари

Багдоддан 90 км. узокликда кўхна Вавилоннинг колдиклари мангу кўним топган. Шахар деган макомни аллакачон йўкотган бўлса-да, мазкур ёдгорлик хали ҳам унинг шонли тарихидан мужда бериб турибди. Унинг асосчиси - мозий маликаларидан бири Семирамида ҳисобланади. Семирамида - тарихий шахс, аммо унинг ҳаёти афсоналар билан уйғунлашиб кетган. Бу ҳақда юнон муаллифлари - Ктесий, Диодор ва бошқаларнинг ижод маҳсулларида ҳам қадим-қадимда ўзини буюк, деб ҳисоблаган ҳукмдорлар, тафаккур бобида тенгсиз даргалар ҳусусида кўп нарсаларни билиб олиш мумкин.

Аммо XX асргача ўтган замонларнинг тарихий кийёфаларидан бири - Семирамиданинг ҳаёти ва яшаш тарзи сир эди. Машҳур олим Карл Леманн-Хауптнинг 1910 йилда олиб борган изланишлари бу борадаги баъзи қоронғуликларга ойдинлик киритиб, қайсидир фазилатлари билан бизнинг Тўмарисга ўхшашиб кетадиган Семирамида шахси ҳақида айрим қирраларни очишга муваффақ бўлди.

Мўйсафид вақт эса мазкур хайратланарли воқеаларга, бой тарихга гувоҳдир.

Кадимги Оссурия

Ўтган замонларда, афсона ва мифлар хакикат билан коришиб кетган пайтларда Тигр дарёсининг юкори окимида Оссурия деган давлат кад ростлаганди. Милоддан аввалги IX асрда уни шох Нин бошқарган ва ўзини шарафлаб курдирган пойтахтга Ниневия номини берган эди. У уста саркарда ва жангчи бўлгани учун Осиёнинг Хиндистондан таш-қари катта қисмини давлати таркибига қўшиб олишга эришиб, қўл остидаги худудларда қатъий харбий тартиб ўрнатганди. Ниннинг энг яқин вазири ва қўмондони ҳамда оқил маслахатчиларидан бирининг исми Онн эди.

Навбатдаги урушда Онн бетакрор гўзаллик эгаси, соҳибжамол етим кизни учратгач, ўзи билан олиб кетиб, унга уйланди. Ниневияда бўлган тўй дабдабали ўтди. Келин оммага Семирамида дея таништирилди. Юнон тарихчиларининг фикрича, уни кабутарлар тарбиялаб, катта қилишган экан. Бундай тахминлар Семирамида исмининг этимологияси билан қўпроқ боғлиқ, десак хато бўлмайди. Чунки мазкур ном шумерчадан таржима қилинганда, "кабутарнинг дунёга қелиши" маъносини беради. Хуллас, қелгинди келиннинг Онн билан турмуши бахтли бошланди. Ҳам хуснда тенгсиз, ҳам ақлда ўткир Семирамида Оннга ўз маслахатлари билан катта ёрдам беришдан ташқари, Хияпт ва Хидасп исмли эгизакларни дунёга қелтирди.

Шох билан учрашув

Мана шундай қувончли дамларда Нин қўшни мамлакат - Бактрияга қарши юриш бошлайди. Катта армияга эга бўлган оссур ҳукмдори пойтахт Бактра шаҳри (ўраб олинган қалъа)да, айниқса, қаттиқ қаршилиққа дуч қелди. Шунда у барча вазиру вузаролари, шу жумладан, Оннни ҳам харбий қенгашига қақирди. Семирамидани харбий сафарга ўзи билан бирга олиб қикқан вазир турмуш ўртоғининг маслахатлари аскотиб қолар, дея уни ҳам йигинга олиб қелди. Хақикатан ҳам кейинчалик ёш келиннинг қистирмалар қўйиш бўйича қилдирган қоялари, бунинг устига ўз ташаббуси билан бир қурух тажрибали ақарлар қўмағида қариб минораларидан бирини ишқол қилиши Нинни қойил- қолдирди, ўзига қисбатан шохда севги уйқотди. Унга қин қилдан ошиқ бўлган ҳукмдор эса, Оннга Семирамиданинг эвазига ўз қизи Сузанни тақлиф этди. Ёрдамқиси эса бу тақлифни рад этса-да, Нинга қарши қикқани учун қўзини ўйиб олиш қазоси билан қўрқитилқачгина турмуш ўртоғини қўйиб юборишга қози бўлди. Қарибир, орадан бир неча қун ўтиб, Онн қатл эттирилди.

Семирамида эса шохнинг амри воқиб бўлгани учун унга турмушга қикишга ноилоқ, қози бўлди. Уларнинг турмушидан Ниний исмли ўқил дунёга қелади. Нин анча қариб қолган бўлса ҳам рашқ ўтида ёнар, Семирамидани бегона қўзлардан қон-жаҳди билан қимоя қиларди. Ҳатто қалика ташқарида юзини қикоб билан берқитиб юришга мажбур қилинар, уни қикишга қакат қарамда ишлайдиганлар олдидагина руқсат бериларди. "Оссурияда қамма аёл қиройли, - деган эди у. - Қикин, уларнинг энг сулуви қам Вавилон қалиқаси гўзаллиғи олдида қавохир қарқисидаги дурчага ўхшаб қолади. Демақ, унинг

жамолини кўриш унга кул бўлишдир".

Агар бирор киши Семирамиданинг никобсиз чехрасини кўрса, у сўзсиз ўлимга махкум этиларди. Бу хол маликага ёкмас, бундан ташкари, у собик эри Онни хали унутмаган, у совга килган кабутар шаклидаги такинчокни ҳам ечмаган эди.

Аёл макри

Баркамоллиги ва дилбарлиги туфайли зимдан кўплаб тарафдорлар йиғишга эришган Семирамида ўзининг айёрона режасини амалга оширишга киришди. Нинни ўзининг бошқарувчилик бобидаги махоратини синовдан ўтказиш бахонаси билан алдаб, тахт ва хокимиятни бор-йўғи беш кунга сўраб олган малика биринчи куниёк вазир ва харбий кўмондонларни ўзига огдириб олди. Тож ва имтиёзлардан фойдаланиб, ислохот ҳамда бир катор ваъдалар билан халкнинг ишончига кирди. Нинни эса, зиндонга ташлаттирди.

Янги йил яқинлашгани сайин Оссурияда ўйин-кулгулар байрамга уланиб кетарди. Одатга кўра, шу йил бошида курбонликка аталган кўчкор оломон ичига ташланар, одамлар эса уни бурда-бурда килиб ташларди. Унинг ўрнига келтирилган кўзичок эса кейинги байрам учун бокишга тантанали тарзда топшириларди. Бу - эски йилни кузатиб, янгисини кутиб олишга ўзига хос рамзий ишора эди. Навбатдаги байрамда Семирамида ана шу хайвоннинг сўнгги вазифасини бу сафар шох Нин бажаришини эътироф этди. "Кўзичок" сифатида унинг ўгли Ниний таништирилди. Собик шох мана шундай тарзда шаф-катсиз ўлим топди.

Семирамиданинг эгизак ўғиллари такдири хакида эса hozirгача ҳеч қандай маълумот йўқ.

Буюк ишлар...

Хокимиятни алдов ва макр йўли билан кўлга олган Семирамида юритаётган сиёсатдан норози бўлган мухолиф куч пайдо бўлиб, мансабдор ва оддий одамларни унга қарши қайрашга киришди. "Ҳеч бир аёлнинг Оссурия ўғлонларини бошқаришга ҳаққи йўқ", - деди улар. Шундай килиб, маликанинг душманлари ҳам кўпая бошлади. Бу эса маликани нозик вазиятни биров бўлса-да, юмшатишга хизмат қилувчи гоёларидан бирини амалга оширишга ундади. У бахайбат, мустаҳкам қалъа, кўплаб минора ва шинақлар билан химояланган Вавилон шаҳрини барпо этишга киришди.

Юнон солномачиси Диодот қолдирган маълумотларга қараганда, янги лойи-хани қурдириш учун бутун империядан 2 млн. уста ва ишчилар жалб қилинган.

Маълум вақтда бунёд этилган янги шаҳар деворларининг периметри 66 км.ни ташкил этар, унинг устида олтига отлик бемалол юра оларди. Вавилон 250 та минора билан ўралиб, Евфрат дарёси унинг ўртасидан оқиб ўтар, сув устига 900 та кўприк қурилганди. Кўприкларнинг ҳар икки томони сўнгида махсус қалъалар қад ростлаган бўлиб, улар ер ости йўллари орқали малика саройи билан туташиб кетган эди. Колаверса, 30 км.лик қирғоқбўйида ажойиб яшаш жойи вужудга келди.

Эпик чекиниш

Айтганча, Вавилон миноралари қолдиқлари остидан бир қатор қазилмалар, хусусан, афсонавий осма боғларнинг ҳам излари топилган. Узок вақтгача юксак намунадаги мақкур боғбончиликнинг муаллифларидан бири Семирамида деб ҳисобланарди. Афсуски, ундай эмас. Мўъжизавий боғлар Оссурия маликаси шарафига эмас, балки бир неча йил кейин яшаб ўтган бошқа бир аёл учун барпо этилган. Осма дарахтзорларни Мидия шоҳи Навуходоносор сеvimли хотини Амитис учун бағишлаган. Ўзи босиб олган шаҳар ва давлатларнинг қулини қўққа соғуриб, уни тағ-туғи билан йўқ қилиб юборишга одатланган Навуходоносор Вавилоннинг гўзаллигига тан бериб, юқоридаги дахшатли одатидан воз кечишга мажбур бўлади.

Буюқ сарқарда

Семирамиданинг ҳисобида бир қатор улугвор бинолар, жумладан, Ниннинг хотираси учун қурдирган хонақоҳ (мавзолей) ҳам бор. У ҳукмронлик қилган йилларида бир қатор жангларда ўзи бевосита иштирок этди. Мидия, Арманистон, Миср ва Эфиопиянинг қатта қисмини босиб олишда ўзи йўл-йўриқ қўрсатди. Мисрда бўлган пайти Амон (Қуёш ҳудоси) қохинидан ўз қелажиги ҳақида сўраганида, у ўғли қўлидан ўлим топишини бағшорат қилади. Урушлардан қарчаган Семирамида Бактрада бироз дам олиб, Хиндистонга янги қуриш учун тайёргарлик қўради.

... ва буюқ инқироз

Навбатдаги қарбий тайёргарлик учун узок йиллар сарфланди. Жуда қатта сонли армияни тўплашга эришганига қарамай Семирамида бу сафар муваффақият қозона олмади. Отларга боғланган аравалар қиндларнинг бағайбат қилларига доғ беролмади. Шалпанқулоқлар ёрдамида мезбонлар «мехмон»ларни аяб ўтирмай, қанчиб ташлашди. Семирамиданинг ўзи эса ҳаёт билан қидолашишига оз қолди. Қамон ўқининг қўли ва белига етказган қарохати билан бир амаллаб Қинд дарёсини қечиб ўтиб,

душман чангалидан базўр кутулди.

Маликанинг согайиши уни хурсанд килмади. Ўз кароргохида харамдагилар билан тил бириктирган ўгли Ниний онасига карши бош кўтарди. Малика фарзанди учун ҳеч нарсани аямай эвазига бирор нарса талаб килмаганини бир неча бор таъкидласа-да, Ниний ўз кароридан воз кечмади. Бир вақтлар отасининг азобли ўлимига сабабчи бўлгани хақида хомийларидан эшитган Ниний волидасининг кўксига тиг санчди. Ўшанда Семирамиданинг ёши 62да эди.

42 йил давомида хукмдорлик килган Вавилон асосчисининг ўлимига кўпчиликнинг ишонгиси келмасди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам унинг барҳаётлиги хақидаги афсоналар хали ҳам бордир. Улардан бирида айтилишича, Семирамида ўлмаган, балки кабутарга айланиб, осмону фалакка парвоз этган.

Саиджон Махсумов